Албатта, Аллоҳ Таоло менга тавозуъли бўлинглар, деб ваҳий қилди

11:40 / 14.11.2018 2764

وَعَنْ عِيَاضِ بْنِ حِمَارٍ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: **«إِنَّ اللهَ أَوْحَى إِلَيَّ أَنْ تَوَاضَعُوا حَتَّى لَا يَفْخَرَ أَحَدٌ عَلَى أَحَدٍ، وَلَا يَبْغِي أَحَدٌ عَلَى أَحَدٍ».** رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

602/1. Иёз ибн Ҳимор розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«**Албатта, Аллоҳ Таоло менга тавозуъли бўлинглар, деб ваҳий қилди**. (Бундан умматим таълим олиб) **ҳеч бир киши бошқа кишига фахрланмасин ва ҳеч бир киши бошқа кишига душманлик қилмасин**», деб айтдилар.

Имом Муслим ривоятлари.